

Мамлакат экспорт имкониятларини ошириш – Энг муҳим ва долзарб вазифа



25 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига мамлакатимиз экспорт имкониятларини ошириш масалаларига бағишлиланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди.

Шунингдек, видеоконференция алоқаси орқали Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарияти, маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идораларнинг худудий тузилмалари, экспортчи корхоналар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари қатнашди.

Йиғилишда 2017 йил якуни бўйича прогноз кўрсаткичлари тўлиқ бажарилишини таъминлаш, миллий маҳсулотлар экспорти географиясини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини ташқи бозорларга йўналтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари иқтисодиётнинг барқарор ва юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг энг муҳим омилларидан бири бу мамлакат экспорт салоҳиятини изчил ошириш ва ундан тўлиқ фойдаланиш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини кучайтириш эканини таъкидлади. Шунингдек, корхоналаримизнинг анъанавий ташқи бозорлардаги ўрнини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, янги бозорларга кириб бориш бўйича саъй-харакатларни кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида нореал рақамлар ортидан қувиш, амалда самара бермайдиган режалар хақида баландпарвоз гаплар билан сўз юритишдек номаъқул иш услуги танқид қилинди.

Ҳисобот учун эмас, муайян натижага эришишни мақсад қилган ҳолда иш юритишни ташкил қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда иқтисодий ўсиш 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. 2018 йил давомида экспортнинг умумий молиявий қиймати 12,1 миллиард АҚШ долларига teng бўлиши кутилмоқда.

Йиғилишда сўнгги бир йил давомида тадбиркорларнинг экспорт соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳсулотларни олдиндан тўлов асосида экспорт қилиш, валюта

тушумларини мажбурий сотиш, ҳозирги кун талабига жавоб бермайдиган, ортиқча руҳсатномаларни бекор қилиш ҳамда экспорт фаолиятида солиқ имтиёзларини қўллашни кенгайтиришга доир қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар қабул қилингани таъкидланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22 декабрдаги парламентга Мурожаатномасида қўрсатилганидек, 2018 йилда экспорт соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларга яна бир бор тўхталиб ўтилди. Яъни, Марказий Осиё мамлакатлари ва йирик ҳамкорларимиз – Хитой, Россия, Жанубий Корея, АҚШ, Туркия ва бошқа мамлакатларга амалга оширилган олий даражадаги ташрифлар давомида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича қабул қилинган "йўл хариталари"ни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш зарур. Тадбиркорлик субъектларини божхона қўригидан ўтказишида хавф-хатардан огоҳ этиш тизимини жорий этиш, божхона органлари томонидан бериладиган ортиқча ва замон талабига жавоб бермайдиган руҳсатномаларни бекор қилиш ҳамда қўлланиладиган тартиб-таомилларни соддалаштириш лозим. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини кескин ошириш бўйича стратегия ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Йиғилишда Вазирлар Махкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ҳамда худудлар раҳбарларининг ҳисботлари тингланди ва муҳокама қилинди. Айрим тармоқлар ва худудлар раҳбарларида масъулият, талабчанлик ва ташаббускорлик етишмаётгани, экспорт дастурини бажаришда сусткашликка йўл қўйилаётгани танқид қилинди.

Давлатимиз раҳбари тегишли мутасаддиларга мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, экспорт географияси ва номенклатурасини кенгайтириш, экспортчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги тадбиркорлик субъектларини экспорт фаолиятига жалб қилиш юзасидан аниқ топшириклар берди.

president.uz